

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ АБРОР САЙИТМУРАДОВИЧ

ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
ТАҲЛИЛ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Болтаев Аброр Сайтмурадович

Таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил
услугларини такомиллаштириш 3

Болтаев Аброр Сайтмурадович

Совершенствование методики бухгалтерского учета и анализа в
снабженческих организациях 27

Boltayev Abror Sayitmuradovich

Improving the methods of accounting and analysis in supply organizations. 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 56

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ АБРОР САЙИТМУРАДОВИЧ

ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
ТАҲЛИЛ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt115 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Курбанов Зият Ниязович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Мақсудов Бегматжон Юлдашалиевич иктисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» 12 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34 факс: (99871) 234-11-48, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил «23» 11 куни таркатилди.
(2020 йил «23» 11 даги № 48- рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

П.Н.Кузиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида «бухгалтерия ҳисоби бизнес фаолиятини ўлчаш, кузатиш ва умумлаштириш, молиявий маълумотларни шарҳлаш ва натижаларини раҳбарият ва бошқа манфаатдор томонларга самарали бизнес қарорларини қабул қилишга ёрдам бериш учун етказиш тизими»¹ сифатида, таҳлил эса «корхона учун бизнес имкониятларини аниқлаш ва яратиш, энг мақбул лойиҳага инвестиция қилиш йўллари аниқлаш ва ниҳоят янги бизнес ва техник ечимларни амалга ошириш учун амалга ошириладиган бизнесни таҳлил қилиш фаолиятини тавсифловчи билим соҳаси»² сифатида қаралмоқда. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда, жумладан аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил бўйича кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижалари асосида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил молиявий менежментнинг муҳим бўғинлари сифатида илгари сурилаётган бўлсада, аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Аграр соҳада жадал иқтисодий ўзгаришлар, рақобат муҳитининг кучайиши, амалга оширилаётган ислохотлар таъминот ташкилотлари фаолиятини илмий, меъёрий-услубий ва ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш ва мунтазам таҳлил қилиб бориш заруратини кўчайтирмоқда. Шунингдек, таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштиришга етарлича аҳамият берилмаётганлиги бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган устувор йўналишларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш зарурати ҳам бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилар кўламини анча кенгайтириб, ўз вақтида аниқ ва ишончли ахборотлар олиш эҳтиёжини кучайтирмоқда. Хусусан, аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, асосий хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш ҳамда молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг ташкилий-услубий жиҳатларини ривожлантиришдаги муаммолар бу борада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон

¹ https://saylordotorg.github.io/text_exploring-business-v2.0/s16-01-the-role-of-accounting.html

² https://www.google.com/search?q=Analysis+of+enterprise+activities&rlz=1C1GGRV_enUZ852UZ852&oq=Analysis+of+enterprise+activities&aqs=chrome..69i57j0l2.2139j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ва 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштиришнинг назарий-услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар М.С.Абрютина, В.П.Астахов, А.Д.Шеремет, М.И.Баканов, Л.И.Кравченко, Г.А.Николаева, А.С.Нечеткий, Г.В.Савицкая, Н.Г.Сапожникова, Л.И.Хоружий, В.А.Чернов, шунингдек, республикада иқтисодчи олимлари И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, Э.А.Акрамов, А.В.Ваҳобов, Р.Д.Дусмуратов, Н.Ю.Жўраев, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, М.Остонақулов, Т.Ш.Шоғиёсов, Ф.Ф.Ғуломова, М.Ю.Рахимов, Ж.Э.Қурбонбоев³ ва бошқа олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. Р.Д.Дусмуратов, Е.Е.Ергешев,

³ Абрютина М.С. Экономический анализ торговой деятельности. – Москва, 2000. – 95 с., Астахов В.П. Теория бухгалтерского учета. – Ростов н/Дон.: Издательский центр «МарТ», 2002. – 411 с., Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности М.: ИНФРА-М, 2006. — 415 с, Баканов М.И., Дмитриева И.М., Смирнова Л.Р., Чиркова М.Б. Экономический анализ в торговле. –М.: Финансы и статистика, 2007. -400 с., Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. - М.: Новое знание, 2005. — 512 с., Николаева Г.А. Бухгалтерский учет в торговле - М.: А-Приор, 2011. - 352 с., Нечеткий А.С. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве: Учебник. - Мн.: ИВЦ Минфина, 2008. -17 с., Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия М.: Инфра-М, 2009. - 536 с., Сапожникова Н.Г. Бухгалтерский учет: учебник. -М.: КНОРУС, 2009. -15 с., Хоружий Л.И., Расторгуева Р.Н., Алборов Р.А., Постникова Л.В. Бухгалтерский учет. – М.: КалосС, 2004. -80 с., Чернов В.А. Экономический анализ: торговля, общественное питание, туристский бизнес. - М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2015. — 640 с., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: Ўқув қўлланма. –Т, 2017. -108 б., Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: «Молия», 2003. -224 б., Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. -Т.: «Шарқ», 2005. - 68 б., Do'smuratov R.D. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013. -261 б., Jo'rayev N., Bobojonov O., Abduvaxidov F., Sotivoldieva D. Moliyaviy va boshqaruv hisobi: Darslik. TDIU. -Т.: 2007. -14 б., Ибрагимов А., Очиллов И., Қўзиёев Н., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. / Ўқув қўлланма. – Т.: «ИQTISOD-MOLIYA», 2008. – 4 б., Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ», 2004. -74 б., Остонақулов М., Остонақулов У., Остонақулова Г. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. -186 б., Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. –Т.: «Фан ва молия», 2012. – 280 б., Ғуломова Ф.Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. – Т.: «NORMA», 2009. -407 б., Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. – 736 б., Очиллов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. -Т.: «Iqtisod-moliya», 2007. -332 б.

Б.И.Исроилов, Ш.А.Тожибоева, К.Б.Уразов, Т.Қ.Қудратов, М.М.Иброҳимовларнинг⁴ илмий ва ўқув-услубий ишларида таъминот ташкилотларининг фаолият хусусиятига хос бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг айрим назарий-услубий жиҳатлари ўрганилган. Бироқ, ҳозиргача аграр сектордаги фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштиришга бағишланган комплекс тадқиқот олиб борилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда тизимли илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди. Бу эса, ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТИ-1 «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

таъминот ташкилотларида молиявий таҳлилни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

таъминот ташкилотларида товарлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

реализация жараёни ва молиявий натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

таъминот ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг услубий жиҳатларини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти (АЖ)га қарашли хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий, ташкилий-услубий ва амалий масалалар мажмуи ҳисобланади.

⁴ Дусмуратов Р.Д., Джураев Б.М. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсати: услубий ва ташкилий-техник жиҳатлари. Монография. – Т.: 2016. – 16 б., Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: «Консаудитинформ - Нашр» 2005. -114 б., Исроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш (Савдо акциядорлик жамиятлари мисолида). Дисс.автореферати. – Т.: 1999. – 22 б., Тожибоева Ш.А. «Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш йўллари». – Т.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация АВТОРЕФЕРАТИ., 2007. -8 б., Уразов К.Б Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 2004. -184 б., Қудратов Т.Қ., Иброҳимов М.М., Каримова З.Х. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: «ИЛМ ЗИЁ» 2005. -175 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда монографик тадқиқот объектлари бўйича таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик ва таҳлилий услублар, конструктив ҳамда баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

таъминот ташкилотлари ҳисоб сиёсатига «Солиққа тортиш масалалари» бўлимини ҳамда «Услубий масалалар» бўлимига материал ва товарларни ҳисобга олиш тартибини киритиш орқали такомиллаштириш асосланган;

таъминот ташкилотларида товарларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва таннархини аниқлаш тартибини 1520 – «Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш» ишчи счётини киритиш асосида соддалаштириш таклиф этилган;

товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни товарлар таннархига ва бошқа чиқиб кетиш сабаблари бўйича давр харажатларига тақсимлаш орқали киритиш асосланган;

таъминот ташкилотларида сотиш харажатлари, ялпи фойда ва сотиш рентабеллиги таҳлилининг услубий жиҳатлари омилларидан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таъминот ташкилотларининг фаолият хусусиятига мос ҳисоб сиёсатининг техник таъминотида муҳим аҳамият касб этувчи намунавий ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилган;

таъминот ташкилотларида молиявий таҳлилни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш бўйича амалий тавсиялар ахборотдан фойдаланувчида тўлиқ таҳлил натижалари тўғрисида маълумотлар шакллантирилган;

товарлар таннархини аниқлаш тартибини соддалаштириш мақсадида «Товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни тақсимлаш ҳисоб-китоби»нинг тузилиши аналитик жадвал шаклида тавсия этилди, алгоритми тузилди ва ушбу алгоритм асосида «Товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг товарлар турлари бўйича тақсимланиши ва ҳисобга олиниши «1С Предприятие 8» платформаси конфигурацияси» дастури ишлаб чиқилган;

таъминот ташкилотларида «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» маълумотларини очиб бериш мақсадида фойдаланиш учун «Асосий фаолият бўйича молиявий натижалар тафсилоти ишчи жадвали» тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба – синов ишлари самарадорлигининг математик - статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ тизимидаги ташкилотларнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот иши натижасида олинган ва

илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларинихалқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилни ташкил этиш, асосий хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш, молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

таъминот ташкилотлари ҳисоб сиёсатига «Солиққа тортиш масалалари» бўлимини ҳамда «Услубий масалалар» бўлимига материал ва товарларни ҳисобга олиш тартибини киритиш орқали такомиллаштириш бўйича таклифи «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг 10-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг 2020 йил 30 июндаги 02-09/432-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши мантиқан изчил шаклланиши ва молиявий-хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олиши таъминланган. Ҳар бир таркибий бўлимда бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисобга олиш тартиби кўрсатиб берилган. Бу эса, ундан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлаган. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш тартиби яхшиланган;

таъминот ташкилотларида товарларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва таннархини аниқлаш тартибини 1520 – «Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш» ишчи счётини киритиш асосида соддалаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли БХМСга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда фойдаланилган ва «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг 10-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 06/17-01-37/389-2416-сон ва «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг 2020 йил 30 июндаги 02-09/432-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф товарларни омборга кирим қилиш вақтида улар таннархини аниқлаш бўйича қўшимча ҳисоб-китобларга зарурат қолдирмайди. Яъни, товарларнинг харид қийматидан ташқари, уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар 1520-счётда тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумлаштирилганлиги боис, уларни товарлар ўртасида тўғри тақсимлаш имконини берган;

товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни

товарлар таннархига ва бошқа чиқиб кетиш сабаблари бўйича давр харажатларига тақсимлаш орқали киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан 4-сон «Товармоддий захиралар» номли БҲМСга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда фойдаланилган ҳамда 5233100 - «Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби» таълим йўналишининг ўқув режасидаги «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фани бўйича ўқув қўлланмага киритилган (Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2020 йил 02 июлдаги 31-сон маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғи, 1186-124 рақамли гувоҳномаси). Мазкур таклиф натижасида товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумлаштирилиб, уларни ҳисобот даври охирида ҳақиқатда сотилган товарлар таннархига олиб бориш имконини берган;

таъминот ташкилотларида сотиш харажатлари, ялпи фойда ва сотиш рентабеллиги таҳлилининг услубий жиҳатлари омилларидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифи 5230900-«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (аграр сектор бўйича)» таълим йўналишининг ўқув режасидаги «Молиявий таҳлил» фани бўйича дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-257 рақамли гувоҳномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши таъминот ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда таълим сифатини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари»** деб номланиб, таъминот ташкилотларининг аграр сектор иқтисодиётида тутган ўрни, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг аҳамияти, таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва молиявий таҳлилни ташкил этишнинг хусусиятлари ўрганилган ҳамда боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Республикада олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»га мувофиқ барча тармоқ ва соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, бу ўзгаришлар аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларига ҳам бевосита дахлдор ҳисобланади. Шу боис, аграр секторда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таъминот ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни яратиш зарур. Бу эса, аграр секторда мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият юритаётган таъминот ташкилоти тушунчасининг моҳияти ва мазмунини ҳамда улар фаолиятини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни тақозо этади.

Хусусан, Республикада фаолият юритаётган минерал ўғит сотиш шахобчаларининг товар айланмаси ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этамиз (1-жадвал). 1-жадвалга кўра Республикада фаолият юритаётган минерал ўғит сотиш шахобчалари товар айланмасининг ҳажми 2015 йилда 1211023,1 минг сўмни, 2016 йилда 1926796,1 минг сўмни, 2017 йилда 2508738,7 минг сўмни ва 2018 йилда 3507515,8 минг сўмни ташкил этган. Бундан кўринадики, минерал ўғит шахобчалари товар айланмасининг ҳажми йилдан-йилга ошиб борган. Биргина, 2018 йилдаги кўрсаткич (3507515,8 минг сўм) билан 2015 йилдаги кўрсаткич (1211023,1 минг сўм) ни таққослаганимизда сезиларли даражада ортганини кўришимиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган минерал ўғит сотиш
шаҳобчалари товар айланмаси ҳажми тўғрисида маълумот⁵**

Худудлар	Товар айланмаси ҳажми, минг сўм			
	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
Ўзбекистон Республикаси	1 211 023,1	1 926 796,1	2 508 738,7	3 507 515,8
Қорақолпоғистон Республикаси	107 055,5	118 626,3	126 148,0	154 036,5
<i>вилоятлар;</i>				
Андижон	116 053,9	153 298,8	173 007,1	255 875,3
Бухоро	85 424,0	148 468,4	171 689,4	184 828,3
Жиззах	83 867,6	108 105,7	143 623,6	259 582,0
Қашқадарё	0,3	199 970,7	246 983,0	369 730,2
Навий	43 052,6	47 582,1	62 811,8	93 661,1
Наманган	99 969,6	162 396,1	249 350,8	412 355,5
Самарқанд	116 350,7	130 518,5	178 021,6	277 537,5
Сурхондарё	142 239,0	171 820,1	216 440,3	266 573,8
Сирдарё	103 107,1	122 499,3	154 053,7	171 744,9
Тошкент	69 571,5	114 399,8	165 981,8	258 422,9
Фарғона	141 326,3	174 090,5	215 369,0	294 779,2
Хоразм	94 563,1	107 940,4	143 463,8	195 032,7
Тошкент ш.	8 441,8	167 079,3	261 794,8	313 355,8

Афсуски, бугунги кунда таъминот ташкилотларида жорий бухгалтерия ҳисоби, ички назорат ва таҳлил услубларининг яхлит тизими шаклланмаганлиги белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилмаётганлигига маълум даражада сабаб бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «... фермер, деҳқон хўжалиқларига ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бу ҳам ҳақиқат.»⁶ деб таъкидлаб ўтганлар. Мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш учун таъминот ташкилотлари фаолиятини илмий, норматив-услубий ва ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш, хусусан, уларда бошқарувнинг муҳим дастакларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган концептуал қоидаларга асосланиб, операцион фаолиятнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатини шакллантириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсатининг таркибий тузулмаси бўйича иқтисодчи олимларнинг тавсияларини ва тадқиқот объекти бўлган Тошкент вилояти «Агрокимёҳимоя» АЖ Қибрай туман филиалида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатини танқидий таҳлилидан келиб чиқиб, фикримизча таъминот ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида қуйидаги масалалар ўз аксини топиши лозим (2-жадвал).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

⁶Ш.М.Мирзиёев “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаоллигимизга берилган энг олий баҳодир” “ЎЗБЕКИСТОН” НМИУ, 2018. – 56 б.

Таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши (таклиф)⁷

Бўлим номи	Таркиби
1. Умумий қоидалар	Ҳисоб сиёсатининг мақсади, қўлланилиш даври, фойдаланувчилар, эълон қилиниши ва махфийлик доираси, ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва асосий принциплари акс эттирилади
2. Ташкилий масалалар	Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ички назорат тизими, бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарига қўйилган малакавий талаблар, вазифалар, ҳуқуқлар ва жавобгарлик акс эттирилади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби хизмати тузилмаси ва ходимларининг хизмат вазифалари таксимоти ҳамда инвентаризация ўтказиш тартиби баён этилади
3. Техник таъминот масалалари	Қўлланиладиган бошланғич ҳужжатлар шакллари, ички ҳисоботлар (тартиби, шакллари, даврийлиги, тузиш ва тақдим қилиш муддатлари, фойдаланувчилар), ҳужжатлар айланиш қоидалари ва режа графиги, бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб регистрлари, ишчи счётлар режаси ҳамда бухгалтерия ҳисоби дастурий таъминоти ва уни юритиш тартиблари кўрсатилади
4. Услубий масалалар	Бухгалтерия ҳисоби объектлари (узок муддатли активлар, жорий активлар, ўз маблағлари манбалари, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар)ни таркиби, тан олинishi, баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг танлаб олинган усуллари, амортизация ҳисоблаш тартиби, уларни молиявий-хўжалик фаолиятидаги ҳаракати ҳисобда акс эттириш тартиби баён этилади
5. Солиққа тортиш масалалари	Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш, солиқ харажатларини ҳисобда акс эттириш, солиқ тўловларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган счётлар, солиқ ҳисоботлари ва уларни тақдим этиш ҳамда тўлаш тартиблари акс эттирилади
6. Яқуний қоидалар	Ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш тартиби ҳамда унда белгиланган қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари кўрсатилади

Илмий-услубий манбалар ва амалиётни ўрганиш шуни тасдиқладики, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ тизимидаги ташкилотлар ҳисоб сиёсатида белгиланган қоидалар фойдаланувчиларни товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ бухгалтерия ахбороти билан тўлиқ таъминламайди. Шу боис, бухгалтерия ҳисоби объектларини, жумладан товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тартибининг ҳисоб сиёсатининг «Услубий масалалар» қисмида қуйидаги тартибда очиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Товар-моддий захиралар (ТМЗ):

товар-моддий захиралар таърифи;

ТМЗ таркиби;

ТМЗни ҳисобга олишнинг норматив-ҳуқуқий асослари.

1. Материалларни ҳисобга олиш тартиби:

материаллар таркиби;

материалларни тан олиш ва баҳолаш тартиби;

материаллар киримини ҳисобга олиш;

материалларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ҳаракати ҳисоби;

материаллар чиқимини ҳисобга олиш;

материаллар ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиби.

2. Товарларни ҳисобга олиш тартиби:

товарлар таркиби;

⁷ Манбаларни қиёсий таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

товарларни тан олиш ва баҳолаш тартиби;
товарлар киримини ҳисобга олиш;
товарларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ҳаракати ҳисоби;
товарлар чиқимини ҳисобга олиш;
товарларни харид қилиш ва тайёрлаш билан боғлиқ кўшимча харажатларни ҳисобга олиш ҳамда ҳисобдан чиқариш тартиби;
товарлар ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиби.

Шундай қилиб, таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши қуйидагиларга имкон яратади:

ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши мантиқан изчил шаклланиши ва молиявий-хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олиш таъминланади;

ҳар бир таркибий қисмда бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисобга олиш тартиби кўрсатиб берилади. Бу эса, ундан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлайди;

таъминот ташкилотлари тузилиши ва фаолият хусусиятларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби усулларини амалга ошириш механизмларини ўрнатиш имконини беради;

таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш тартиби яхшиланади. Натижада, фойдаланувчилар ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминланади.

Шу билан бирга, молиявий таҳлилни ташкил этишда ҳам таъминот ташкилотларининг фаолият хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Чунки, молиявий ҳисоботлар бир хил шаклга эга эканлиги ва мазмуни бир хил ифода этилгани билан уларнинг сатрлари ва сатрларнинг шаклланиш тартиблари бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли, бизнинг фикримизча бозор муносабатлари шароитида таъминот ташкилотларининг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда молиявий таҳлилни сифатли ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (3-жадвал).

Молиявий таҳлил натижаларининг тўғри, ишончли ва аниқ бўлиши эса, ўз навбатида, унинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Таъминот ташкилотларида молиявий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказишда фойдаланиладиган ахборот манбаларини қуйидагича таркиблаш мумкин:

1. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари;
2. Бошқа маълумотлар.

Бу албатта, ахборотдан фойдаланувчида тўлиқ таҳлил натижалари тўғрисида маълумотга эга бўлиш орқали таъминот ташкилоти молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини объектив баҳолаш ва келгусида ташкилотнинг фаолият самарадорлигини ошириш имкониятлари тўғрисида маълумот олиш имконини беради.

Молиявий таҳлилни ўтказиш босқичлари (таклиф)⁸

№	Молиявий таҳлил босқичи	Амалга ошириладиган ишлар
1	Молиявий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказишнинг режаси ва дастурини тузиш босқичи	Молиявий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш режаси ва дастурини тузиб олиш. Унда куйидагилар аниқ белгиланган ва кўрсатилган бўлиши шарт: таҳлилнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш; таҳлил объектини аниқлаш; таҳлил мазмунини изоҳлаш; таҳлил ўтказувчилар таркиби ва уларнинг вазифаларини белгилаш; таҳлил ўтказиш вақти ва муддатини белгилаб олиш; таҳлил манбалари аниқлаб олиш; таҳлил натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилаш.
2	Молиявий таҳлил юзасидан маълумотлар базасини тўплаш ва қайта ишлаш босқичи	Ушбу босқичда куйидаги ишлар амалга оширилади: таҳлил учун ахборот манбаларини тўплаш; таҳлил учун фойдаланиладиган қўшимча зарур маълумотларни тўплаш; тўпланган маълумотларни таҳлилга мос ҳолда соддалаштириш; таҳлил учун зарур жадвал, схемалар ва диаграммалар макетларини тузиш; таҳлил усулларини аниқлаб олиш.
3	Молиявий таҳлилни ўтказиш босқичи	Бу асосий босқич бўлиб, унда куйидаги ишлар амалга оширилади: мезон кўрсаткичларини аниқлаш; кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ва натижаларни баҳолаш; натижанинг ўзгаришига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир даражаларини ҳисоблаш; натижага таъсир кўрсатган ҳар бир омилнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганган ҳолда баҳо бериш; натижаларни умумлаштириш ва хулоса тайёрлаш.
4	Молиявий таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва чора-тадбирларни белгилаш босқичи	Бунда молиявий таҳлил яқунланади ва таҳлил натижалари баҳоланган ҳолда керакли чора-тадбирлар белгиланади. Яъни: таҳлил натижалари ҳисобот шаклида расмийлаштирилади; таҳлил натижалари муҳокама қилинади; таҳлил натижаларига асосланган ҳолда йўл қуйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади; хўжалик юритувчи субъект ички имкониятлари ўрганилган ҳолда фаолият самарадорлигини ошириш йўллари белгиланади.
5	Молиявий таҳлил натижаларини амалиётга татбиқ этиш босқичи	Бу босқичда таҳлил натижалари асосида белгиланган чора-тадбирлар ва аниқланган имкониятларни хўжалик юритувчи субъект фаолиятига қўллаш йўллари кўрсатилади. Яъни: фойдаланилмаган ички имкониятларни субъект фаолиятига қўллаш тартиби кўрсатилади; фаолият самарадорлигини ошириш бўйича берилган тавсиялар жорий этилади; аниқланган илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётда қўллаш шарт-шароитлари кўрсатиб берилади; белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ва уларнинг натижаларини назорат қилиш тартиби белгиланади.

Диссертация ишининг «**Таъминот ташкилотларида асосий хўжалик жараёнлари ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида таъминот ва реализация жараёнлари ҳамда молиявий натижалар ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уларни такомиллаштириш, шунингдек, таъминот ташкилотларида товарлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш масалалари баён қилинган бўлиб, боб сўнгида

⁸ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Иқтисодий ривожлантириш шароитида аграр соҳада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни камайтириш ва таннархни пасайтириш ҳозирги кунда асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «... харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш»⁹ вазифасини ҳал этиш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар. Мазкур вазифанинг ижросини таъминлашда аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида товарлар таннархини тўғри шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, таъминот ташкилотларида товарлар киримини тўғри ташкил этиш ва таннархини аниқлаш тартибини соддалаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этамиз:


биринчидан, таъминот ташкилотлари учун 21-сонли БҲМСда келтирилган 1510 - «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан кейин ҳисоб сиегатининг ишчи сётлар иловасига 1520 – «Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётини киритиш зарур. Чунки, 0800 – «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи сётлар» таркибида ҳар бир узоқ муддатли активни ташкил қилиш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун алоҳида сётлар белгиланган. Шу боисдан, жорий активлар таркибига кирувчи ҳар бир моддий қийматликлар бўйича ҳам, уларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатларни умумлаштириш учун алоҳида сётларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, товарларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатларни умумлаштириш учун 1520 сётнинг киритилиши товарларни омборга кирим қилиш вақтида улар таннархини аниқлаш бўйича қўшимча ҳисоб-китобларга зарурат қолдирмайди. Яъни, товарларнинг харид қийматидан ташқари, уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳамда 4-сонли БҲМСнинг 14 - бандига мувофиқ қўшимча ишлов бериш ва уларни яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ харажатлар, 1520 сётда тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумлаштирилганлиги боис, уларни товарлар ўртасида тўғри тақсимлаш имкони яратилади.

иккинчидан, товарлар таннархини аниқлаш тартибини соддалаштириш мақсадида 4-сонли БҲМСнинг 15 - бандига айрим қўшимчаларни киритиш лозим. Яъни, мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни алоҳида синтетик 1520 – «Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш» сётига олиб бориб, ҳисобот даври охирида махсус ҳисоб-китоб асосида товарлар таннархига ёки бошқа чиқиб кетиш сабаблари бўйича давр харажатларига тақсимлаш усулини киритиш лозим (1-расм).

Ҳисобот даври охирида эса товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни тегишли тартибда тақсимлаш ва ҳисобда акс эттириш

⁹Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 14 б.

лозим. Мазкур тақсимлаш ҳисоб-китобининг алгоритмини қуйидагича аналитик жадвал сифатида шакллантириш мумкин (4-жадвал). Ушбу таклиф асосида «Товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг товарлар турлари бўйича тақсимланиши ва ҳисобга олиниши «1С Предприятие 8» платформаси конфигурациясида» дастури ишлаб чиқилди.



1-расм. Таъминот ташкилотларида асосий (устав) фаолияти бўйича таъминот жараёни ҳисоби алгоритми¹⁰

Умуман олганда, таъминот ташкилотларида товарларнинг харид қиймати ҳамда сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни товарлар таннархига олиб боришда юқорида таклиф этилган счётдан ва қўшимча харажатларни тақсимлаш усулидан фойдаланиш товарлар таннархини аниқлаш, ҳужжатлаштириш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва ташкилотнинг молиявий натижаларини тўғри шакллантириш имконини беради.

Шунингдек, молиявий натижаларни шакллантириш билан боғлиқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилганда «ялпи даромад» ва «ялпи фойда» кўрсаткичлари турлича тавсифланганлигини кўриш мумкин.

¹⁰ «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сонли БҲМСга асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Жумладан, «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» номли Бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти (БҲМС) га мувофиқ ялпи даромад ҳўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларини ўз ичига олади.

4-жадвал

Товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни тақсимлаш ҳисоб-китоби алгоритми¹¹

№	Кўрсаткичлар	Сумма, минг сўм
1	Ҳисобот даври бошига товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар қолдиғи суммаси (1520 сўтнинг ҳисобот даври бошига қолдиғи)	2000,0
2	Ҳисобот даври давомида кирим қилинган товарларга тегишли уларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар суммаси (1520 сўтнинг ҳисобот даври давомидаги дебет обороти суммаси)	10000,0
3	Товарлар сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг жами суммаси (1 + 2)	12000,0
4	Ҳисобот даври бошига товарлар қолдиғи суммаси (2910 сўтнинг ҳисобот даври бошига қолдиғи)	10000,0
5	Ҳисобот даври давомида кирим қилинган товарлар суммаси (2910 сўтнинг дебет обороти)	134000,0
6	Ҳисобот даври мавжуд бўлган товарларнинг жами суммаси (4 + 5)	144000,0
7	Товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг ўртача фоизи (3 : 6 x 100)	8,3 %
8	Ҳисобот даври давомида сотилган товарлар суммаси	100000,0
9	Ҳисобот даври давомида товарларнинг бошқача чиқими (камомад ва бошқа сабабларга кўра)	4000,0
10	Ҳисобот даври охирида товарлар қолдиғи суммаси (2910 сўтнинг ҳисобот даври охирига қолдиғи)	40000,0
11	Ҳисобот даврида сотилган товарлар таннархига киритиладиган қўшимча харажатлар суммаси (8 x 7 : 100)	8300,0
12	Товарларни бошқача чиқиб кетишига тегишли қўшимча харажатлар суммаси (9x7:100)	332,0
13	Ҳисобот даври охиридаги товарлар қолдиғига тегишли қўшимча харажатлар суммаси (3 – 11 – 12)	3368,0

Бирок, амалдаги Солиқ кодексига¹² мувофиқ ялпи даромад – реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида қаралади. «Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғриси»да Низом ва 3-сон «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» номли БҲМСда сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут ялпи даромад эмас, балки ялпи фойда сифатида аниқланиши кўрсатилган. Демак, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ялпи даромад ва ялпи фойда кўрсаткичлари қуйидагича таърифлашда тафовутлар мавжуд (5-жадвал).

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда таъминот ташкилотларининг барча фаолият турларидан олинган даромадлари йиғиндисини, унинг ялпи даромади сифатида эътироф этиш лозим.

Шу билан бирга, ахборотдан фойдаланувчилар оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиши учун тушунарли, аниқ ва содда маълумотларни

¹¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

¹² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 467-модда. –Т.: “АДОЛАТ”, 05.01.2019.

шакллантириш мақсадида таъминот ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» маълумотларини очиб бериш мақсадида фойдаланиш учун диссертацияда «Асосий фаолият бўйича молиявий натижалар тафсилоти ишчи жадвали» таклиф қилинди.

5-жадвал

Ялпи даромад (ЯД) ва ялпи фойда (ЯФ) кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили¹³

№	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номи	ЯД ва ЯФни аниқлаш тартиби					Изоҳ
		ЯД	=	ССТ	-	ИТ	
1	Солиқ кодекси 467-моддасига кўра	ЯД	=	ССТ	-	ИТ	Амалиётда корхоналар томонидан айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ солиш объекти, яъни ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган тушум билан сотилган товарларнинг таннархи ўртасидаги тавофут сифатида аниқланмоқда. Бироқ, «Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғриси»да Низом ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)ларда юқоридаги тартибда аниқланган кўрсаткич ялпи даромад эмас, балки ялпи фойда ҳисобланиши белгилаб қуйилган.
2	«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» номли 3-сонли БҲМСга мувофиқ	ЯФ (030 сатр)	=	ССТ (010 сатр)	-	ИТ (020 сатр)	
3	«Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан	ЯФ	=	ССТ	-	ИТ	
4	«Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» номли БҲМСга мувофиқ	ЯД	=	АФД	+	АБФД	

Шундай қилиб, таклиф қилинган ўзгартиришлар аграр секторда фаолият юритаётган таъминот ташкилотларининг молиявий натижаларини шакллантириш тартиби ва «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»ни (2-шакл) тузишни ҳамда ҳисобот ахборотларининг батафсиллиги, шаффофлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

Ишнинг учинчи боби «**Таъминот ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили ва уни такомиллаштириш**» деб номланган бўлиб, унда таъминот ташкилотларида товар айланмаси таҳлилининг ташкилий-услубий жиҳатларини, сотиш харажатлари ва молиявий натижалар таҳлилинини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Маълумки, таъминот ташкилотларининг фаолият самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири - унинг товар айланмаси кўрсаткичи ҳисобланади.

Таъминот ташкилотларида товар айланмаси таҳлилинини қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (2-расм).

Товар айланмаси (ТА) ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи асосий

¹³ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

омиллар бу сотилган товарларнинг физик миқдори ва баҳоси ҳисобланади. У мазкур омиллarning кўпайтмаси кўринишида қўйидагича ифодаланади:

$$TA = \sum q \cdot p, \quad (1)$$

бунда: q-сотилган товарларнинг физик миқдори;
p-товарларнинг баҳоси.



2-расм. Товар айланмаси таҳлилининг асосий йўналишлари¹⁴

Товар айланмаси ҳажмининг ўзгаришига мазкур омиллarning таъсирини Сирдарё вилояти Боёвут туманлараро «Агрокимёхимоя» минерал ўғитлар базасининг ахборотлари асосида таҳлил қилиб ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (6-жадвал).

6-жадвал

Боёвут туманлараро «Агрокимёхимоя» минерал ўғитлар базаси товар айланмаси ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллarning таҳлили¹⁵

Товар турлари	Товар айланмаси, минг сўм			Ўзгариши (+;-)	шу жумладан, омиллarning таъсири	
	2018 йил	2019 йилда сотилган товарлар миқдори ва 2018 йилдаги сотиш баҳоси бўйича	2019 йил		товарлар физик миқдорининг ўзгариши ҳисобига	товарлар баҳосининг ўзгариши ҳисобига
Карбамид	1929810	1665987	1708337	-221473	-263823	+42350
Суперфосфат	6754334	6556736	6765101	+10767	-197598	+208365
Азот	20745455	21354674	22986732	+2241277	+609219	+1632058
Сульфат аммоний	16403384	16449363	16557725	+154341	+45979	+108362
Бошқа минерал ўғитлар	2412263	2436486	2524611	+112348	+24223	+88125
Жами:	48245246	48463246	50542506	+2297260	+218000	+2079260

¹⁴ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

¹⁵ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

